

Иситилган эритмалар (50-60 °C) совуқ ҳолатига нисбатан самаралироқдир.

Шахсий хўжаликларда қуёнхона, асбооб-ускуна ва катакларга оловли ишлов бериш усули энг содда ва самарали усул саналади. Бунинг учун оддий пайвандлаш лампаси ёки газ горелкаси қўлланилади. Катакнинг астойдил тозаланган ёғочларига оч кўнғир тус олганга қадар олов воситасида ишлов берилади.

Ёдда тутинг! Қуёнхона ичи ва яқинида тамаки чекманг.

Кемирувчиларнинг пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида ёввойи ўт-алафни ўз вақтида ўтаб ташлаш, қуёнхона агрофидага буталарни сийраклаштириш ва дератизация тадбирларини ўтказиш лозим.

Ёдда тутинг! Касалини даволашдан кўра касалликнинг олдини олиш ҳам осон ва ҳам арзондир.

Баъзи ўсимликларнинг таркибий озуқа бирлиги даражаси

№	ОЗУҚА ТУРЛАРИ	ОБ ¹
<i>Экиладиган озуқалар кўк ўти</i>		
1.	Беда ўти	0,22
2.	Беда гуллаш даврида	0,21
3.	Янги ўсган беда ўти	0,20
4.	Жавдар ўти	0,19
5.	Сули ўти	0,18
6.	Судаи ўти	0,20
7.	Арпа ўти	0,18
8.	Тритикале ўти	0,22
9.	Маккажўхори гуллаганда	0,15
10.	Маккажўхори сут даврида	0,18
11.	Маккажўхори мум даврида	0,27
12.	Окжўхори ўти	0,20
13.	Хашаки нўхат ўти	0,17
14.	Соя ўти	0,21
15.	Эснарцет ўти	0,22
16.	Раис ўти	0,12
17.	Топинамбур ўти	0,20
<i>Табиий яйловлар ўти</i>		
18.	Бошоқли яйлов ўтлари	0,19
19.	Дуккакли ва бошоқли турли ўтлар	0,24
20.	Тоғ ўтзорлари ўти	0,23
21.	Сув босадиган яйловлар ўти	0,24
22.	Ярим чўл яйлов ўтлари	0,34
23.	Қирдаги ўтлар	0,21
24.	Кўнғир бошли яйловлар ўти	0,32
<i>Табиий яйловлар ва ўтзорлар пичанлари</i>		
25.	Дуккакли ўтлар пичани	0,45
26.	Бошоқли ўтлар пичани	0,46
27.	Турли ўтлар пичани	0,44

¹ **Озуқа бирлиги.** Озуқа бирлиги деб 1 килограмм ўрта сифатга эга сулининг тўйимлилиги қабул қилинган. Бошқа барча емларнинг тўйимлилиги сулининг тўйимлилиги билан таққосланади. Мисол учун, тўйимlilik 1 килограмм пичанда 0,2, силосда 0,15-0,2, кунжара ва донли емда 1 озуқа бирлигига тенг бўлади.

ҚУЁН БОҚИШНИНГ ФОЙДАЛИ ЖИХАТЛАРИ

- *Қуённинг гўшти парhezбop,*
- *Мўйнаси ва мoмигидан тайёрланган ашёларга бўлган талаб доимо юқори.*
- *Қуён тез вояга етади ва тез кўпаяди.*
- *Қуённи кичкина, жумладан, шаҳар томорқа хўжалигида ҳам парваришлаш мумкин.*



Уй шароитида қуён боқиш бўйича баъзи маслаҳатлар



**100070, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Усмон Носир 1-тор кўча, 5-уй.**
Тел.: +998 (71) 150-02-02
Факс: +998 (71) 361-45-48

**160136. Ўзбекистон, Наманган ш.,
Хуррияткўчаси, 22-уй.**
Тел.: +998 (69) 226-31-75
Факс: +998 (73) 226-29-70

**712000. Ўзбекистон, Фарғона ш.,
А. Навоий кўчаси, 17-уй.**
Тел.: +998 (73) 224-54-62
+998 (73) 224-54-67
Факс: +998 (73) 224-54-14

**170119, Ўзбекистон, Андижон ш.,
Бобур кўчаси, 24-уй.**
Tel: +998 (74) 235-50-32
Fax: +998 (74) 235-50-09

Асосий биологик хусусиятлари.

Куён ўсимликхўр кемирувчилар оиласига мансуб жонивордир. Жинсий ва jisмоний жиҳатдан 3-4 ойга тўлганида етилади. Урғочи куённинг ҳомилдорлик даври 29-31 кун давом этади.

Янги болалаган урғочи куён 2-3 кундан сўнг жинсий майли билдириб, такрор уруғланиши мумкин.

Тулаш мобайнида куён момиги осон ажралади. Момик олиш учун мўлжалланган куён зотини етиштирувчи куёнбоқарлар жониворнинг ушбу хусусиятини билиши керак. Бундай зот момиклари ҳар 2-2,5 ойда юлиб олинади.

Яхши боқилган тўрт ойлик куён вазни 3-3,5 килограммига етади. Яъни, туғилгандаги вазнига нисбатан 60 баробар оғир бўлади.

Ёш куёнчаларда копрофагия (ўз ахлатини истеъмол қилиш), одагда, 23-24 кун ўтгач, она сутидан ташқари бошқа емлар билан ҳам озиклана бошлаганидан сўнг намоён бўлади. Копрофагия куёнлар организми учун фойдали ҳисобланади.

Асосий турлари ва зотлари.

Куёнлар олинанидан махсулотга қараб 3 турга бўлинади: гўшт, гўшт-тери (мўйна) ва юнг олинанидан куёнлар.

Куёнлар яна қуйидаги хусусиятлари бўйича ҳам турларга бўлинади:

юнг қопламасига қўра: қиска юнгли, меърий юнгли (аскарийт зотлар) ва узун юнгли (момикли);

танасининг катталигига қўра: йирик, ўрта ва майда.

Совет шиншилласи.

Йирик, гўшт-тери олишга ихтисослаштирилган. Бақувват жуссаси ва қалин юнг қатлами билан фарқланиб туради. Ўртача тирик вазни 5 килограмм, айримлари эса 6-7 килограммгача етилади. Урғочи куён серпушт, сутлилик даражаси юқори бўлиб, 8-12 бошгача бола боқиб, улғайтиради. Баданидаги юнг қопламаси кумуш ва кумуш-мовий тусда бўлади.

Кулранг «Великан». Йирик, гўшт-тери олишга ихтисослаш-тирилган.

Гавдасининг узунлиги 51-65 сантиметргача етади, деярли юмалоқлашиб кетган, жуссаси бақувват.

Кўкрагининг йўғонлиги 37-39 сантиметр, бели тўғри ва кенг. Оёқлари бақувват, қиска, сермушак. Тирик вазни 5-8 килограммгача етади. Юнг қопламасининг ранги 4 хил: сарғиш кулранг, оч кулранг, тўқ кулранг ва қора бўлади. Урғочиси тез урчийди, ҳар болалаганида 10 бошгача бола беради.

Оқ момик. Ўртача катталиқда, юнг олишга ихтисослаштирилган.

Вазни 3-4 (баъзан 4,5-5,0) килограммни ташкил этади. Танасининг узунлиги 54 сантиметр, кўкрагининг йўғонлиги 30-34 сантиметр келади. Йил давомида ҳар бир толасининг узунлиги 6-16 сантиметр келади, вазни 300-500 грамм, айримлари 700 граммгача оппоқ момик (юнг) беради.

Оқ «Великан». Гўшт-тери олишга ихтисослаштирилган. Танасининг узунлиги 60-67 сантиметрни ташкил этади. Ўртача

тирик вазни 5 килограммга етади. Ўз вақтида ва сифатли шилиб олинган тери олий навга қабул қилинади. Оқ великан, одагда, альбинос бўлиб кизил кўзлари билан фарқ қилиб туради.



Парваришлаш.

Шахсий томорка ва фермер хўжаликларига куёнларни қафасларда сақлаш тавсия етилади. Бу насли назорат қилишда, озукани тежашда, касалликни даволаш ва олдини олишда қулайликлар яратади.

Қафасларнинг тури ва катталиги иқлимга, куён зоти ва турига (йирик, ўртача, кичик, зотдор, махсулдор, катта ёшли ва ёш) қараб белгиланади. Катакларни тайёрлаётганда катта ёшдаги куён учун бир хонали катаклар 0,5-0,7 м², икки хонали катаклар 0,84 м² катталиқда қилиб тайёрланади. Онасидан ажратиб олинган ёш куёнлар гуруҳи учун ўралган майдонча поли металл тўрдан тайёрланган бўлса ҳар бир куёнга 0,15-0,2 м² гача, яхлит тахтали бўлса 0,2-0,3 м² гача майдон тўғри келиши лозимлигини ҳисобга олиш керак.

Қафаслар иқлимий шароитга қўра очиқ ёки ёпиқ майдонда жойлаштирилади.

Куён боқиш учун жой танлаётганда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- Шамолнинг тезлиги секундига 30 сантиметрдан ошмаслиги;
- Ҳавонинг нисбий намлиги 60-75% бўлиши;
- Ёритилиш давомийлиги 9 соатдан кам ва 16 соатдан кўп бўлмаслиги;
- Ҳаводаги аммиак ва олтинугурт миқдори мос равишда 0,01г/л ва 0,15г/л дан ошмаслиги лозим.

Жинсини аниқлаш.

Ташқи кўринишига қараб куёнлар жинсини аниқлашнинг имкони йўқ. Уларнинг жинсини аниқлаш учун чап қўл билан куённинг елка ва кўкрак умуртқаси ҳудуди терисидан ушлаб, қорни юқорига қилиб ётқизилади ва ўнг қўл кўрсаткич бармоғи билан думи илдиз қисмидан қаттиқ қисилиб, бош бармоқ билан жинсий аъзолар олди териси бош томонга тортилади. Вояга етган эркек куёнларнинг жинсий аъзоси озгина пастга букилган бўлади, ёшларида думалоқ чиқариш тешиги озгина бўртиб чиққан бўлади. Урғочи куёнларда жинсий аъзоси дум йўналишида чўзилган бўлади.

Харид қилиш.

Боқиш учун куёнбоқар хонадонидан 2-3 ойга тўлган ёш куёнлар харид қилинган ҳам яхши. Шундай қилинса куён емининг таркиби, режими ва боқилган шароитини кескин ўзгартириб юборилишига йўл қўйилмайди.

Насл олиш учун олинанидан эркек куён ҳам айна шу зотдан, ёши урғочи куёндан 2-3 ой катта, жуссаси йириқроқ бўлиши, лекин урғочи куёнга қариндош бўлмаслиги, яна яхшиси бошқа хўжалиқдан харид қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Куён зотдор-у, фақат яхши емланмаган деб ишонтиришга ҳарчанд уринсалар ҳам ланж ва озгин куённи харид қилманг.

Ёдингизда бўлсин! Соғлом куён озгин бўлмайди!

Тумшукчаси ҳўл (нам) бўлган, қулоғининг чаноклари тоза бўлмаган, думининг таги ифлосланган куён харид қилинмайди. Бўйнидан ушлаб кўтарилган соғлом куён эластик пружинани эслатади. Шалвираган заиф куён эса, шалпайганича осилиб туради.

Жинсий органининг ташқи кўриниши ва ҳолатига эътибор қаратилади. Жинсий органининг шакли бузилган, тошма тошган ва шу каби бошқа оғишларга эга куён ҳам харид қилинмайди. Оёқ туқларининг қафт ичига ёпишиб қолганлиги юқумли тумов аломатидир. Соғлом куён кўзлари равшан, жонли, ковоклари шишмаган, баданидаги юнг қопламаси силлиқ ва ялттироқ бўлади.

Озиқлантириш.

Куён жуда баднафс бўлиб, кундуз куни ҳам тунда ҳам ем тўймайди. Бунинг сабаби жуда тез вояга етиши ва тез-тез болалаб туришидир. Шу боис ҳам у турли-туман емларга эҳтиёж сезади. Куёнга бериладиган асосий емлар жумласига:

- кўк ўтлар (майса ва илдизмевалар палаги, қарам барги, маккажўхори пояси ва барги);
- ширадор емлар (илдизмевалар, полиз ва боғ махсулотларининг чиқиндилари, силос);
- дағал емлар (пичан, сомон, шох-новдалар);
- кучли бойитилган емлар (арпа, сули, бугдой, маккажўхори, дуккакли ўсимликлар дони ва уларнинг чиқиндилари яъни: кепак, кунжара, тахтақунжара, комбикорм);
- қумокланган донадор емлар (ўт-алаф уни, кунжара, дон чиқиндилари, гўшт-суяк ёки балиқ уни ва микроэлементлар);
- минераллар (туз, бўр, суяк уни) қиради.

Диққат! Қўенга захарли гиёҳлар берилмайди.

Санитария чора тadbирлари.

Куёнхона ва катакларни йиғилиб қолган тезак, ем қолдиқлари ва тўшамалардан муттасил тозалаб бориш лозим.

Йилда икки мартаба, айниқса ёгингарчилик кўп бўладиган ойлarda (куз ва баҳор фаслларида), шунингдек, хўжалиқда юқумли касаллик вужудга келганида дезинфекцияланади.

Дезинфекция воситаларини тайёрлаш усуллари:

- 1). 2% ли формалин - 1 стакан формалин 1 челақ совуқ сувда эритилади.
- 2). 2% ли ўткир натрий - 200 гр модда 1 челақ иссиқ сувда эритилади.
- 3). Каустик (ўткир) сода - 200 гр сода 1 челақ иссиқ сувда эритилади.

(санаб ўтилган дезинфекция воситаларининг 1 литри пол ва деворларнинг 1 м² қисмига сарфланади)

4). Кул суви (ишқорли сув) - 2 кг ёғоч қули 1 челақ иссиқ сувда эритилади. Ушбу эритма 2 соат қайнатилгач тиндирилади, ушбу сув 4 челақ сувда аралаштирилади ва такрор қайнатилади ҳамда қайноқ ҳолатида қўлланилади.

5). Хлорли оҳакнинг 1, 2 ва 5 % ли эритмаси - ёғоч анжомлар, катакларнинг ёғоч қисмлари ва ҳудудни дезинфекциялаш учун қўлланилади.